

Нуридинов Саидолим Саидкамол ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

ЭКБМ бошлиғи, полковник

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда криминалистик ҳисоблар юритилишининг ривожланиш тарихи, бугунги ва замонавий ҳолати тўғрисида маълумотлар, шунингдек юртимизда криминалистик ҳисоблар юритилиш жараёнини такомиллаштиришининг устувор йўналишлари тўғрисида асослантилган таклифлар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: жиноятчилик, криминалистик ҳисоб, экспертиза, техника.

Янги Ўзбекистоннинг “Тараққиёт стратегияси”да одил судловга эришиш даражасини ошириш энг устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб қўйилган. Одил судловни таъминлаш жараёнини эса илмий асосланган экспертиза хулосаларисиз тасаввур этиш имконсиздир. Шу сабабдан бўлса керак, республикаимизда 2022 йилда умумий жиноятчилик 2021 йилга нисбатан 5,3 %га камайишига қарамадан эксперт-криминалистика бўлинмаларида умумий экспертиза ўтказилиш ҳолати 25,3%га ошган [1; 2]. Мазкур рақамлар мамлакатимизда содир этилган жиноятчиларни очиш ва одил судловни таъминлаш жараёнида эксперт-криминалистика бўлинмаларининг ўрни нечоғлик юқори эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кун эксперт-криминалистика бўлинмалари томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва уни очишда криминалистик ҳисоблардан фойдаланиш ўзининг юқори чўққисига эришди. Мамлакатимизда криминалистик ҳисоблардан фойдаланишнинг замонавий

имкониятлари тўғрисида фикр юритишдан олдин, дастлаб мазкур соҳанинг қисқача тарихига назар ташлаш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистонда криминалистик ҳисоблардан фойдаланиш 1926 йилдан бошлаб, воқеа жойини кўздан кечириш натижасида жиноятга алоқадор ашёвий далилларни олиш ва гумонланиб олиб келинган шахсларнинг дактилохариталари массивини яратиш ишлари билан бошланган [3. Б,40]. Мамлакатимиз мустақилликка эришгунга қадар криминалистик ҳисоблар картотека, коллекция, фотосурат ва моддий рўйхат асосида юритилган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ички ишлар органларининг жиноятчиликка қарши курашдаги фаолиятининг моддий-техник базасини такомиллаштириш, жумладан эксперт-криминалистик ҳисобларни автоматлаштириш бўйича кенг камровли амалий ва ташкилий тадбирлар олиб борилган. Олиб борилган изчил ислохотлар натижасида 1997 йилда Фарғона вилояти ИИБда Россия Федерациясининг “СОНДА” корхонасининг дастурий маҳсулоти ҳисобланган автоматлаштирилган дактилоскопик идентификация тизими жорий этилиб, кейинчалик Тошкент шаҳри ва республиканинг қолган ҳудудларидаги ички ишлар идоралари эксперт криминалистика хизматларида фойдаланиб бошланган. 2004 йилда Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳридаги “ТЕХНИКА” МЧЖнинг “Шахснинг ташқи қиёфа белгилари бўйича автоматлаштирилган идентификация тизими” лойиҳаси биринчи бўлиб Тошкент шаҳрида, 2005 йилда Тошкент, Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларида ўрнатилган.

Шунингдек, 2010 йилга келиб, мамлакатимизда биометрик паспорт тизими жорий этилиши муносабати билан шахсни автоматлаштирилган идентификация тизими шахсни мультибиометрик кўрсаткичлари асосида автоматлаштирилган идентификация тизими асосида Россия Федерациясининг “ПАПИЛОН” фирмаси томонидан ишлаб чиқилган “АДИТ” автоматлаштирилган дастури асосида такомиллаштирилди.

эксперт-криминалистика хизматига бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни биргина 2022 йил 8 февраль куни Президентимиз томонидан “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш

чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилинган ПҚ-122-сонли Қарорлари мисолида кўриш мумкин. Мазкур қарорда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирлари, тергов ва суд ҳаракатларида далилларни тўплашда замонавий фан ва техниканинг илғор ютуқларини, хусусан криминалистик илмий усул ва воситаларни қўллаш амалиётини янги босқичга олиб чиқиш лозимлиги белгилаб қўйилган [4].

Мазкур қарорнинг 1-илоvasи 2-боби 5-бандида ахборот-маълумотлар ва криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМнинг асосий вазифаларидан бири сифатида белгилаб қўйилган бўлса, 6-бандида ЭКБМнинг ахборот-маълумотлар ва криминалистик ҳисоблар, картотекалар ва коллекцияларни ташкил этиш ва юритиш соҳасидаги функциялари келтириб ўтилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/crime-and-justice-2>
2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Эксперт-криминалистика бош марказининг 2021-2022 йилларда амалга оширилган ишлар бўйича статистикаси.
3. Миронов А.И. Возникновение и развитие криминалистических подразделений органов внутренних дел. –М., 1979. – С.40.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги “Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика фаолиятини замонавий илм-фан ютуқларини кенг жорий этган ҳолда янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-122-сонли Қарори.